

УЎК: 339.012.64. (575.1)



<https://dx.doi.org/10.36522/2181-9637-2019-5-2>

ЁШЛАРНИ ТАДБИРКОРЛИК ФАОЛИЯТИГА ЙЎНАЛТИРИШ ТИЗИМИНИ ТАКОМИЛАШТИРИШНИНГ ХОРИЖ ТАЖРИБАСИ ВА ЎЗБЕКИСТОНДА ҚЎЛАШ ИМКОНИАТЛАРИ

Рахманов Зафаржон Яшинович

PhD, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги ДБА қошидаги Ёшлар муаммоларини ўрганиш ва истиқболли кадрларни тайёрлаш институти «Стратегик бошқарув» кафедраси муdiri

Даминов Фахритдин Маннонович

мустақил изланувчи

Аннотация. Мазкур мақолада бугунги кунда ёшларга оид давлат сиёсатини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш жараёнида ёшларни тадбиркорлик фаолиятига жалб этиш борасидаги жорий ва стратегик масалалар таҳлил этилган. Бундан ташқари, ёшларни тадбиркорлик фаолиятига жалб этишнинг иқтисодий ривожланишидаги ўрни ва аҳамиятини ошириш, ёшлар бандлигини таъминлаш, сифатли иш ўринларини яратиш, таълим тизимини яқин ва узоқ истиқболда юз бериши кутилаётган ўзгаришларга мослаштириш борасидаги Европа Иттифоқи ҳамда тараққий этган мамлакатлар тажрибаси ўрганилган. Тадқиқот натижаларига кўра, Ўзбекистонда ёшларнинг бизнес лойиҳаларини молиялаштириш тизимини такомиллаштириш мақсадига «Ёшлар тадбиркорлигини ривожлантириш фонди» ҳамда ёшларнинг инновацион лойиҳаларини молиялаштириш бўйича «Умуммиллий венчур фонди»ни ташкил этиш, шунингдек, ёшлар тадбиркорлигини янада ривожлантиришни таъминлашда ҳудудларнинг ижтимоий инфратузилмасини такомиллаштириш зарурлиги асосланган.

Таянч тушунчалар: меҳнат бозори прогнози, ёшларга оид давлат сиёсати, инновация, венчур фондлари, ёшларнинг тадбиркорлик фаолиятини ривожлантириш тизими.

ЗАРУБЕЖНЫЙ ОПЫТ СОВЕРШЕНСТВОВАНИЯ СИСТЕМЫ СОДЕЙСТВИЯ ПРЕДПРИНИМАТЕЛЬСКОЙ ДЕЯТЕЛЬНОСТИ МОЛОДЕЖИ И ВОЗМОЖНОСТИ ЕГО ИСПОЛЬЗОВАНИЯ В УЗБЕКИСТАНЕ

Рахманов Зафаржон Яшинович

PhD, заведующий кафедрой «Стратегическое управление» Института изучения проблем молодежи и подготовки перспективных кадров при АГУ при Президенте Республики Узбекистан

Даминов Фахритдин Маннонович

независимый исследователь

Аннотация. В данной статье рассмотрены текущие и стратегические вопросы привлечения молодежи к предпринимательской деятельности в процессе формирования государственной молодежной политики. Кроме того, изучен опыт Европейского Союза и развитых стран по решению проблем, связанных с повышением роли молодежного предпринимательства в экономическом развитии, снижением уровня безработицы среди молодежи, созданием качественных рабочих мест, адаптацией системы образования к прогнозируемым изменениям в краткосрочной и долгосрочной перспективе. На основе итогов исследования в части совершенствования системы финансирования бизнес-проектов молодежи обоснована необходи-

мость создания «Фонда развития молодежного предпринимательства» и «Общенационального венчурного фонда» для финансирования инновационных проектов молодежи, а также совершенствования региональной социальной инфраструктуры для дальнейшего развития молодежного предпринимательства.

Ключевые слова: прогноз рынка труда, государственная молодежная политика, инновация, венчурные фонды, система развития предпринимательской деятельности.

FOREIGN EXPERIENCE IN IMPROVING THE SYSTEM OF PROMOTING YOUTH BUSINESS ACTIVITIES AND OPPORTUNITIES OF ITS IMPLEMENTATION IN UZBEKISTAN

Rakhmanov Zafarjon Yashinovich

PhD, Head of the department «Strategic Management» The Institute for Research of Youth Problems and Training Prospective Personnel at the Academy of Public Administration under the President of the Republic of Uzbekistan

Daminov Fakhritdin Mannonovich

Independent researcher

Annotation. The article discusses current and strategic issues of attracting young people to entrepreneurial activity in the process of forming a state youth policy. It deals with the problems associated with increasing unemployment among young people, creating decent jobs, adapting the education system to project changes in the short and long term. On the basis of the research results in improving the system of financing business projects for youth, the necessity of creating the «Youth Entrepreneurship Development Fund» and the «National Venture Fund» to finance innovative youth projects, as well as the need to improve the regional social infrastructure for the further development of youth entrepreneurship has been substantiated.

Key words: labor market forecast, state youth policy, innovation, venture funds, entrepreneurial development system.

Кириш

Ёшлар исталган мамлакатнинг стратегик ресурси ҳамда ҳаётга қобилигини белгилаб берувчи бош омил ҳисобланади. Демак, мамлакатнинг келажаги кўп жиҳатдан мазкур стратегик ресурсдан самарали фойдаланиш ҳамда аниқ мақсадларга йўналтиришнинг сиёсий, иқтисодий ва ижтимоий имкониятлари яратилиши даражасига боғлиқдир. Шу билан бир қаторда, мамлакатни барқарор ва интенсив иқтисодий ривожлантиришда самарали ёшларга оид давлат сиёсатининг олиб борилиши инсон капиталини ривожлантириш ҳамда ёшларнинг интеллектуал ва ижодкорлик салоҳиятини намоён этишда муҳим аҳамият касб этади.

Сўнгги йиллар давомида Марказий Осиё мамлакатларига нисбатан Ўзбекистонда иқтисодий ўсиш суръатлари юқори бўлишига қарамасдан, янги иш жойларини яратиш қониқарли эмас. Халқаро валюта фонди маъ-

лумотларига кўра, 2013–2018 йилларда мамлакат иқтисодиётида бандликнинг эластиклик даражаси коэффициенти деярли 0,32 га тенг бўлган. Ушбу ҳолат иқтисодий ўсишнинг бир фоизи бандлик даражасини 0,32 фоизга оширганлигидан далолат беради.

Эътироф этиш жоизки, мамлакатимиз аҳолисининг фаровон турмуш даражасини таъминлаш, унинг халқаро майдондаги рақобатбардошлилигини ошириш ҳамда жаҳоннинг инновацион жиҳатдан тараққий этган илғор давлатлар қаторига кириш каби узоқ муддатга мўлжалланган стратегик вазифалар кўламининг кенглиги, айни пайтда, ижтимоий-иқтисодий соҳадаги тизимли муаммоларни сақланиб қолинаётганлиги ёшларни тадбиркорлик фаолиятига йўналтириш бора-сидаги чора-тадбирларнинг муваффақиятли амалга оширилиши мамлакатни барқарор ва

илдам ривожлантиришнинг муҳим шартларидан бирига айланишига олиб келди.

Ёшлар сиёсати доирасида ёшларни тадбиркорлик фаолиятига йўналтириш орқали иқтисодий мустақиллигини таъминлаш, шунингдек, улар ўртасидаги ишсизлик даражасини камайтириш бўйича илғор хориж тажрибасини тадқиқ этиш ва шу аснода Ўзбекистонда ёшларни тадбиркорлик фаолиятига йўналтириш орқали бизнес лойиҳаларини муваффақиятли амалга оширишга кўмаклашиш механизмини такомиллаштиришга қаратилган илмий таклиф ва амалий тавсияларни ишлаб чиқиш тадқиқот мақсади этиб белгиланди.

Адабиётлар таҳлили

Бугунги кунда ёшларни тадбиркорлик фаолиятига йўналтириш орқали бизнес лойиҳаларини муваффақиятли амалга оширишга кўмаклашиш тизимини такомиллаштириш муаммолари нуфузли илмий марказлар ва етакчи олимлар томонидан олиб борилаётган илмий тадқиқотларда салмоқли ўрин эгалламоқда.

Хусусан, америкалик олим Р. Ньюжент дунёда ёшларнинг ўрни ва аҳамиятини юз бераётган динамик ўзгаришлар нуқтаи назаридан кўриб чиққан [1]. Швед олими Й. Эшинг [2], туркиялик олимлар Ф. Октай [3], О. Тевенон [4] ва бошқа олимларнинг илмий ишларида Европада ёшлар сиёсатини олиб боришнинг миллий хусусиятлари тадқиқ этилган бўлиб, бунда ёшлар сиёсатини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш юзасидан Европа Иттифоқи томонидан ўзаро мувофиқликни таъминлаш механизми ишлаб чиқилмаганлиги алоҳида қайд этилган. Инглиз олимлари Р. Инглхарт [5] ва Р. Норрис [6] олиб борилган тадқиқот натижалари асосида «бугунги кунда ёшлар олдига энг оғир муаммо – ишсизлик даражасининг ошиб бориши» деган хулосага келишган. Француз олими В. де Вельде [7] ва америкалик олим А. Волтерларнинг [8] фикрига кўра, ёшларга оид сиёсатнинг самарадорлиги, биринчи навбатда, у ёки бу мамлакатнинг (иқтисодий, ижтимоий ва сиёсий) фаровонлик даражасига боғлиқдир.

Рус олимаси Е.А. Полишукнинг [9] «Ёшлар меҳнати бозорини тартибга солиш: назария, услубият, амалиёт» номли илмий-

тадқиқот ишида ёшларнинг меҳнат бозорида кузатилаётган муаммоларни бартараф этишда тизимли ёндашувнинг услубий тамойилларига асосланган ҳолда ёшларнинг иқтисодий фаоллигини таъминлашнинг яхлит тизими таклиф этилган ва ушбу яхлит тизим кириш **ресурслар** (капитал, меҳнат, информацион, техник ва технологик, молиявий ва бошқалар) ва чиқиш **натижалардан** (меҳнат унумдорлигининг ошиши ҳисобига ЯИМнинг ўсиши ва бошқалар) иборатлиги қайд этилган.

С.А. Коробовнинг [10] «Кичик ва ўрта тадбиркорликни тартибга солиш ва қўллаб-қувватлашнинг давлат тизимини ривожлантириш: ресурсларга йўналтирилган ёндашув» номли илмий-тадқиқот ишида давлат томонидан тартибга солиш тадбирлари тадбиркорнинг ташкилий, информацион ва институционал ресурсларга таъсир ўтказишига, давлат томонидан қўллаб-қувватлаш моддий, инсон ва техник ресурсларга бўлган талабни қаноатлантиришга хизмат қилишига эътибор қаратилган.

Е.Н. Грачевнинг [11] «Европа Иттифоқида ёшлар сиёсати: миллий ва иттифоқ даражалари» номли илмий ишида Европа Иттифоқи ва унга аъзо мамлакатларда ишлаб чиқилган ҳамда амалга оширилаётган ёшларга оид сиёсатида ёшлар бандлигини таъминлаш ва касбга йўналтиришга қаратилган инвестицияларни кўпайтириш муҳим хусусият эканлиги қайд этилган.

Тадқиқот методологияси

Тадқиқот олдига қўйилган мақсад, вазифа ва адабиётлар таҳлиллари асосида ушбу мақолани тайёрлашда илмий абстракциялаш, таҳлил ва синтез, индукция ва дедукция, тизимли таҳлил усулларида фойдаланилди.

Таҳлил ва олинган натижалар

Тадқиқотнинг мақсади ва белгиланган вазифаларга мос равишда, биринчи навбатда, ёшларни тадбиркорлик фаолиятига йўналтириш бўйича чора-тадбирларни ишлаб чиқишда меҳнат бозорининг истиқболлари борасидаги прогнозларни таҳлил қиламиз.

Хусусан, Pricewaterhouse Coopers International Limited (PwCIL) компанияси томонидан Хитой, Германия, Ҳиндистон, Буюк Британия ва АҚШнинг 10 029 (улардан 8 459 киши пенсия ёшига етмаганлар) нафар фуқаролари

ўртасида ўтказилган сўровнома асосида ишлаб чиқилган «Меҳнат бозорининг келажаги: 2030 йилда меҳнат муҳитини шакллантирувчи тенденциялар қарама-қаршилиги» [15] номли тадқиқотида келтирилишича, бугунги кунда жамият ва меҳнат муҳитини тубдан ўзгартириш имкониятига эга бўлган бешта глобал тенденция шаклланиб бормоқда.

1-тенденция. Технологик инновацияларнинг кескин ривожланиши. Автоматлаштириш, робототехника ва сунъий онгнинг ривожланиши дунёда иш ўринлари сифати ва миқдорини аҳамиятли тарзда ўзгартириб юборади. Технологиялар, меҳнат унумдорлигининг ошиши инсон ҳаётининг давомийлиги ва фаровонлигини таъминлаш ҳамда шахсий имкониятларни руёбга чиқаришга ёрдам беради. Айни пайтда, мазкур жараён ижтимоий барқарорликка таҳдид солиши, сиёсий ва иқтисодий муаммоларни юзага келтириши, иқтисодий неъматларнинг бир меъёردа тақсимланмаслиги хавфини кучайтириши мумкин.

2-тенденция. Жаҳон аҳолисининг географик жойлашуви, жинсий таркиби ва сонининг жиддий ўзгариши. Бир қатор минтақаларни эътиборга олмаган ҳолда, жаҳон аҳолисининг сезиларли қисми кексаймоқда. Ушбу ҳолат бизнес, ижтимоий институтлар ва иқтисодиётга жиддий босим ўтказмоқда. Инсон ҳаёти давомийлигининг ошиб бориши бизнес моделлар, ходимларнинг келажаги ва пенсия таъминотига таъсир ўтказади.

3-тенденция. Урбанизация жараёнларининг кучайиши ва шаҳарларда яшовчи аҳоли сонининг ошиб бориши. Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг прогнозига кўра, 2030 йилга келиб шаҳарларда 4,9 млрд киши, 2050 йилда эса жаҳон аҳолисининг 72 фоизи шаҳарларда истиқомат қилади [16]. Бугунги кунда йирик шаҳарларда яратилаётган ЯИМ миқдори ўртача ҳажмдаги мамлакатларнинг ЯИМга нисбатан кўпроқ эканлигини кўрсатмоқда. Ўзгариб бораётган дунёда иш жойларини шакллантиришда шаҳарлар ҳал қилувчи омилга айланади.

4-тенденция. Ривожланган ва ривожланаётган мамлакатлар ўртасида кучлар жойлашувидаги ўзгариш. Тадбиркорлик фаолиятини ривожлантириш, инвестициялар самарадор-

лигини таъминлаш, таълим тизимини такомиллаштириш ва меҳнатга яроқли аҳоли сонини ошириб бориш имкониятига эга бўлган мамлакатлар тезкор ривожланиб боради.

5-тенденция. Ресурсларнинг етишмаслиги ва иқлим ўзгаришлари. Дастлабки прогнозларга кўра, 2030 йилга келиб электр энергияга бўлган талаб 50 фоизга, сувга бўлган талаб 40 фоизга ошади. Ушбу талабларни қаноатлантириш учун муқобил энергияни ишлаб чиқариш, чиқиндиларни қайта ишлаш, иккиламчи ресурслардан фойдаланиш каби соҳаларда янги иш ўринлари ташкил этилади.

PwCIL мутахассисларининг фикрича, юқорида келтирилган тенденциялар натижа-сида ҳар бир мамлакатнинг тарихий, маданий ва бошқа омиллар таъсири доирасида ўзига хос бўлган тўрт ривожланиш сценарийлари амалга оширилиши мумкин:

- *биринчи сценарий.* Фрагментация. Ушбу сценарийда истеъмолчи учун ҳажм аҳамиятга эга эмаслиги ҳисобига йирик компаниялар ўзларининг етакчилик ролини йўқотиб боради. Ижтимоий тармоқлардаги гуруҳлар ва кичик компанияларнинг роли ҳамда аҳамияти ошиб боради. Аҳоли асосий қисмининг ҳаёти рақамли платформалар майдонига ўтади;

- *иккинчи сценарий.* Индивидуаллик. Жамият ҳаётининг барча соҳалари индивидуал талабларни қондиришга йўналтирилади ва ҳар бир истеъмолчи талабларини қондириш учун чекланмаган миқдордаги таклифлар яратилади;

- *учинчи сценарий.* Коллективизм. Ушбу сценарийга кўра, умумий манфаатлар хусусий манфаатларга нисбатан устуворлик касб этади. Экологик ҳолат учун жамоавий жавобгарлик, ижтимоий фаровонликнинг таъминланиши ва адолат тамойиллари индивидуал манфаатлардан юқори туради;

- *тўртинчи сценарий.* Интеграция. Ўзаро бирлашиш ва рақобатбардошлик даражасини оширишга қаратилган тадбирлар ҳисобига компаниялар ҳажми катталаниб боради. Энг йирик компанияларнинг молиявий имкониятлари алоҳида олинган мамлакатларнинг бюджетига нисбатан юқорироқ даражада бўлади. Йирик компанияларнинг брендлари бизнеснинг барча соҳаларига кириб боради.

Халқаро меҳнат ташкилотининг «Ёшлар бандлиги соҳасидаги инқироз: ҳаракатлар дав-

ри» деб номланувчи маърузасида [17] келтирилган муаммолар кўп жиҳатдан юқорида қайд этилган тенденцияларни ўзида акс эттиради. Маърузанинг ўзига хос хусусиятлари сифатида ёшларнинг бандлик даражасини оширишда иш ўринларининг сифати, яратилаётган имкониятлар, барқарор ижтимоий ҳимоялаш шароитларининг яратилиши, иш ҳақи тўловларининг нормал турмуш даражасини олиб боришга мослигини таъминлаш каби масалаларнинг кўриб чиқилганлигини келтириш мумкин. ХМТ маълумотларига кўра, иш билан таъминланган қамбағалларнинг (кунлик даромади 1,25 АҚШ долларидан кам бўлган) 23,5 фоизини ёшлар ташкил этган.

Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг ёшлар сиёсатининг ҳуқуқий асосларига тегишли ҳужжатларида: «ёшларнинг ҳаётига таъсир этиши мумкин бўлган қарорларни қабул қилиш жараёнларида уларнинг иштирокини таъминлаш; ёшларни ривожлантириш учун зарур бўлган асосий хизматлар ва имкониятлардан фойдаланиш даражасини кенгайтириш; уларнинг фаровон ва хавфсиз яшаш шароитини яратиш; ёшларнинг қобилияти ва салоҳиятини тўлиқ ривожлантириш» зарурлиги қайд этилган [12]. Шу билан бир қаторда, БМТнинг 1995 йилда қабул қилинган «2000 йил ва ундан кейинги даврлар учун ёшларга тааллуқли тадбирларнинг Бутунжаҳон дастури»да ёшлар сиёсати соҳасида 10 та устувор йўналиш белгиланган: «1) таълим; 2) бандлик; 3) очлик ва қашшоқлик; 4) соғлиқни сақлаш; 5) атроф-муҳит; 6) наркотик моддаларни суиистеъмол қилиш; 7) ёшлар ўртасида жиноятчилик; 8) бўш вақтни ташкил этиш; 9) қизлар ва ёш аёллар ҳолати; 10) жамият ҳаёти ва қарорларни қабул қилишда ёшларнинг тўлақонли иштироки» [18].

Европа Иттифоқида ёшларга оид сиёсатни шакллантириш ва амалга оширишнинг бугунги ҳолати тадқиқот олдига қўйилган вазифалар нуқтаи назаридан жиддий қизиқиш уйғотади.

Ёшларга оид давлат сиёсатининг замонавий инфратузилмаси 2007 йилда Европа Комиссиясининг «Таълим, бандлик ва жамиятда ёшларнинг тўлақонли иштирокини қўллаб-қувватлаш» номи ҳужжатининг қабул қилиниши билан шакллантирилган. Мазкур

ҳужжатда таълим сифатини яхшилаш, академик ва илмий мобилликни ошириш, бандликни таъминлаш учун ёшларни молиялаштириш ҳажминини кўпайтириш масалаларига нисбатан янги ёндашувлар ифодаланган.

2008 йили Киев шаҳрида ўтказилган Европа Кенгашининг Европа маданий конвенцияси иштирокчи давлатларининг ёшлар масалалари бўйича вазирлари конференциясида «Европа Кенгаши ёшлар сиёсатининг келажаги: Кун тартиби 2020» (The Future of Youth Policy of the Council of Europe: Agenda 2020) декларацияси қабул қилинди. Ушбу декларация 2020 йилгача бўлган даврда ёшларга оид сиёсатнинг уч асосий йўналишини белгилаб берди: инсон ҳуқуқлари ва демократия; маданий ранг-баранглик ва турли маданиятлар ўртасидаги алоқалар; ёшларнинг ижтимоий интеграцияси [13].

2009 йилнинг апрель ойида Европа Комиссияси яқин ўн йиллик учун ёшларга доир сиёсатнинг янги «Ёшлар – инвестициялаш ва имкониятларни тақдим этиш» номи стратегиясини эълон қилди [14]. Моҳиятан олганда, янги стратегиянинг бош концепцияси икки муҳим ҳолатдан келиб чиққан ҳолда ишлаб чиқилган:

- ёшлар, айниқса, иқтисодий инқироз даврида энг кучсиз ҳимояланган ижтимоий гуруҳлардан бири эканлиги;

- аҳолининг демографик кексайиши шароитида ёшлар Европанинг энг қадрли ресурси ҳисобланади.

Стратегия ўз таркибига ёшлар таълими, бандлиги, ижоди, тадбиркорлиги, ижтимоий иштироки билан боғлиқ, шунингдек, соғлиқни сақлаш, спорт соҳасидаги ўрта ва узоқ муддатли тадбирларни олган. Стратегияда белгиланган асосий мақсадлар қуйидагилардан иборат:

- таълим ва бандлик соҳасида ёшлар учун янада кенг имкониятларни яратиш;

- жамият ҳаётида ёшларнинг тўлақонли иштирокини таъминлаш;

- жамият ва ёшлар ўртасидаги ҳамкорликни таъминлаш.

Стратегияда ёшларда тадбиркорлик кўникмаларини шакллантириш, шунингдек, улар бандлигини таъминлашга оид бир қатор масалалар кўриб чиқилган. Қайд этилиши-

ча, таълимнинг фақат меҳнат бозори талаблари ва манфаатларини қаноатлантиришга йўналтирилиши мақсадга мувофиқ эмас. Таълим шахснинг ижтимоийлашуви, интеграциялашуви ва шахсий қобилиятларини кучайтиришга хизмат қилиши ҳамда ёшларни мустақил меҳнатга тайёрлаш воситаси эканлиги эътироф этилган. Ҳужжатда таълим ва меҳнат бозори ўртасидаги алоқаларни ўрнатишдаги энг муҳим масала ёшларни меҳнат дунёси ва унинг ўзига хос хусусиятлари билан таништиришдан иборат эканлиги ҳамда етарли даражадаги таълим самарасига эга бўлмаган амалиётлардан воз кечиш зарурлиги алоҳида кўрсатиб ўтилган. Бундан ташқари, ёшларда тадбиркорлик фаолиятига хос бўлган тафаккурни шакллантиришга катта эътибор қаратилиши, давлат органлари томонидан тадбиркорлар ва ўқув муассасалари ўртасидаги ҳамкорлик алоқаларини мустаҳкамлашга қаратилган тадбирларнинг амалга оширилиши иқтисодий ривожланишнинг базавий омилларидан бири эканлигига аҳамият берилган. Шу билан бир қаторда, стратегияга «триангуляция» тушунчаси киритилган бўлиб, унга кўра, ёшлар бандлигини таъминлаш муаммоларини бартавраф этишда ёшлар ташкилотлари, давлат органлари, илмий муассасалар, тадбиркорлар ва бошқалар ўртасида ҳамкорлик алоқаларининг ўрнатилиши талаб этилади.

Буюк Британияда ёшлар бандлигини таъминлаш стратегиясининг бош мақсади – жаҳон рейтингида мамлакатнинг рақобатбардошлик даражасини ошириш ҳисобланади. Стратегияга кўра, 2020 йилга келиб, мамлакат рақобатбардошликнинг жаҳон рейтингида 13 ўриндан 8 ўринга кўтарилиши лозим. Бунинг учун миллий ғоя «инсон ресурсларини бошқариш» концепциясидан «инсон капиталини бошқариш» концепциясига ўзгартирилиши зарур, чунки айнан инсон «билимларга асосланган иқтисодиёт»ни ривожлантиришнинг бош омили бўлиб қолади.

Профессional таълим сиёсатида марказий роль меҳнат бозоридаги ҳолатни аниқлаш имкониятига эга бўлган иш берувчиларга ажратилган. Мазкур вазифани амалга ошириш учун Буюк Британияда миллий даражадаги ишчи кучи сифатини таъминлаш тизими иш-

лаб чиқилган бўлиб, унинг таркибига:

- миллий профессионал стандартлар (National Occupational Standards) ва тармоқ квалификацияларини ривожлантириш бўйича Кенгашлар (Sector Skills Councils) тармоғи;

- таълимнинг турли даражаси ва турлари ўртасидаги мувофиқликни таъминлаш учун профессионал таълим ва қайта тайёрлаш дастурлари;

- таълимнинг мумкин бўлган турлари, шунингдек, профессионал тайёргарлик кўриш йўллари ифодаловчи квалификацияларнинг саккиз даражали миллий стандартлари;

- минтақавий иш берувчилар билан ҳамкорликда профессионал тайёргарлик дастурларини амалга оширувчи ўқув муассасалари тармоқлари;

- олдинги таълимнинг сифатини баҳолаш ва тан олиш тизими киритилган.

Ушбу тизимнинг вазифалари қуйидагилардан иборат:

- иқтисодиёт томонидан талаб этилаётган зарурий билим ва кўникмаларни аниқлаш ҳамда келгуси талабларни прогноزلантириш;

- миллий профессионал стандартларни ишлаб чиқиш, қўллаб-қувватлаш ва янгилаб бориш;

- квалификациялар ўртасидаги узилишлар (skills gaps) – меҳнат бозоридаги талаб ва тақлиф ўртасидаги фарқни камайтириш;

- квалификацияларни тақдим этиш бўйича таълим муассасалари ва квалификация регулятор фаолияти ўртасидаги ўзаро мувофиқликни таъминлаш;

- квалификация бериш ҳуқуқига эга бўлган ташкилотлар, шунингдек, барча тур ва даражадаги таълим муассасаларининг квалификация стандартларини бепул олиш имкониятини яратиш.

Қайд этиш зарурки, Буюк Британияда таълим муассасалари битирувчиларининг ишга жойлашиши даражаси жуда юқори. Хусусан, университетларга киришда A-level даражасига эга бўлган талабаларнинг деярли 95 фоизи ОТМни битирганидан сўнг олти ой ўтмасдан ишга жойлашган.

Францияда профессионал таълимнинг уч даражали тизими жорий этилган. Олий таълим муассасасида 3 йил таълим олгандан сўнг талаба диплом (Licence), беш йилдан сўнг магистр

(Master) дипломи ва саккиз йиллик таълимдан сўнг докторлик илмий даражаси (Doctorant) олиши мумкин.

Таълим муассасалари битирувчиларини ишга жойлаштириш бир қатор меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар билан тартибга солинади. Таълим соҳаси миллий таълим вазирлиги (Ministère de l'Éducation nationale, de la Jeunesse et de la Vie associative), меҳнат бозори ва таълим тизими ўртасидаги ўзаро ҳамкорлик масалалари бандлик, меҳнат ва соғлиқни сақлаш вазирлиги (Le ministère du travail, de l'emploi et de la santé de la République Française) ваколатига киритилган.

Бандликни давлат томонидан қўллаб-қувватлашнинг ўзига хос хусусиятларидан бири профессионал фаолиятга йўналтириш тизимининг ташкил этилганлиги ҳисобланади. Таълим тўғрисидаги кодексга биноан, «талабаларни касбга йўналтириш ўқув жараёнининг таркибий тузилмаси тўғрисидаги маълумотларнинг берилиши ишга жойлашиш истиқболлари, таълим йўналишини ўзгартириш имкониятлари юзасидан маълумотлар берилишини назарда тутати». Шу билан бир қаторда, давлат ёки хусусий корхоналарда стажировкалар ўташ имкониятининг яратилиши олий таълим ва профессионал муҳит ўртасидаги алоқаларни мустаҳкамлашга хизмат қилади. Бундай стажировка мажбурий ҳисобланмайди. Таълим тўғрисидаги кодексда уни амалга ошириш мумкинлиги белгилаб қўйилган. Мазкур масала Меҳнат кодексида ривожлантирилган бўлиб, 16 дан 25 ёшгача бўлган ҳар бир Франция фуқаросига ишлаб чиқаришдан ажралмаган ҳолда ўзининг профессионал таълимини ривожлантириш ҳуқуқи берилган.

Амалга оширилган таҳлиллар давомида олинган асосий натижалар сифатида қуйидагиларни қайд этиш мумкин:

биринчидан, ёшларга оид давлат сиёсатини ишлаб чиқишдан кўзланган бош мақсад – мамлакатни ривожлантириш стратегиясини муваффақиятли амалга оширишнинг самарали механизмини шакллантириш ҳисобланади. Мазкур механизм юзага келаётган ва келиши мумкин бўлган сиёсий, ижтимоий-иқтисодий муаммоларни бартараф этишда ёшларнинг тўлақонли иштироки ва жавобгарлигини таъ-

минлаб бериши лозим. Сиёсатнинг алоҳида йўналишлари, хусусан, ёшларни тадбиркорлик фаолиятига жалб этиш ва уларнинг бизнес лойиҳалари амалга оширилишини қўллаб-қувватлашнинг турли шакллари ва усуллари мамлакатнинг жорий имкониятларига мос равишда ишлаб чиқилади;

иккинчидан, турли табиатга эга бўлган стратегик тенденциялар таъсири остида мамлакатнинг сиёсий, ижтимоий-иқтисодий ҳаётида яқин ва узоқ истиқболда юз бериши кутилаётган ўзгаришлар ёшларга оид давлат сиёсати ҳамда уни амалга ошириш воситалари, усул ва услубиятини такомиллаштиришни тақозо этади. Бу эса, ўз навбатида, барча даражадаги таълим тизими, профессионал тайёрлов марказлари ва ташкилотлар томонидан таклиф этилаётган таълим хизматлари таркибини қайта кўриб чиқилишига олиб келади. Хусусан, ёшларни тадбиркорлик фаолиятига та-йёрлаш ва йўналтириш тизими фаолиятининг бош ғояси «меҳнат бозори талабларига мослашиш» ёки «меҳнат бозорининг келажакига мослашиш» тарзида эмас, балки «меҳнат бозорининг бугунги куни ва истиқболини яратиш» концепцияси асосида ишлаб чиқилиши мақсадга мувофиқ;

учинчидан, ёшларни тадбиркорлик фаолиятига йўналтириш орқали уларнинг иқтисодий мустақиллигини таъминлаш ҳамда мамлакатнинг иқтисодий-ижтимоий ривожланишидаги роли ва аҳамиятини ошириш, авваламбор, давлат бошқарув органлари, таълим муассасалари, иқтисодиёт субъектлари, илмий-тадқиқот марказлари ҳамда ижтимоий ташкилотлар фаолиятининг ўзаро мувофиқлигини таъминлаш даражасига боғлиқ. Мамлакатни ривожлантириш стратегияси ушбу мувофиқликни таъминлашнинг бош воситаси сифатида юзага чиқади;

тўртинчидан, ёшларда тадбиркорлик кўникмаларини шакллантириш ва уларни тадбиркорлик фаолиятига йўналтиришда молиявий таъминот муҳим ўринни эгаллайди. Бунда шунинг эътиборга олиш зарурки, глобал, минтақавий ва алоҳида олинган мамлакатлар иқтисодиётида тизимли муаммоларнинг сақланиб қолиши ва кучайиб бориши шароитида ёшларнинг бизнес (айниқса, инновацион хусусиятга эга бўлган) лойиҳаларини

молиялаштиришда кредитлаш услубиятидан субсидиялаштириш услубиятига ўтиш жиддий аҳамият касб этади. Чунки тизимли хусусиятга эга бўлган иқтисодий муаммолар ёшларнинг бизнес лойиҳалари юқори даражали рисклар таъсири доирасидаги лойиҳалар жумласига киритилишига олиб келади. Рискларни суғурталашнинг самарали тизими ривожланмаган мамлакатларда ёш тадбиркорларнинг банкротлик ҳолатларига тушиши кўп учрайди;

бешинчидан, молиявий таъминотнинг ҳал этилиши ёшларда тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланиш истагининг ривожланиши учун етарли ҳисобланмайди. Юқори технологиялар ва инновацион техникалар таъминотидан фойдаланиш имкониятларининг яратилиши ҳамда тўхтовсиз кенгайтирилиши мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш стратегиясида белгиланган мақсадларни амалга оширишда ёшларнинг иштироки ва фаоллик даражасини оширувчи омиллардан бири ҳисобланади. Шу боисдан, ёшлар ташкилотлари ёки таълим муассасалари ёхуд бизнес субъектлари қошида алоҳида иқтисодиёт тармоқлари бўйича инновацион техника ва технологиялар билан таъминланган ҳамда тўлиқ хўжалик ҳисобида ишловчи профессионал тайёрлаш марказлари (бизнес марказлар)ни ташкил этиш зарур;

олтинчидан, жамиятнинг иқтисодий ва ижтимоий ҳаётидаги ўзгаришлар амалий билимлар билан бир қаторда, ўзгаришларнинг мазмуни ва моҳиятини аниқлаш имкониятини берувчи фундаментал билимларни ҳам талаб этади. Фундаментал билим даражасининг ошиб бориши амалий билимлар самарадорлигини белгилаб берувчи бош омилдир. Бу эса, ўз навбатида, бугунги куннинг фундаментал хусусиятларини ўзида акс эттирувчи тадқиқотларни таълим жараёнига жорий этишни тақозо этади;

еттинчидан, ёшларда тадбиркорлик кўникмаларини шакллантириш кўп жиҳатдан таълим босқичларида олинаётган билимларнинг ўзаро узвийлигини таъминлаш даражасига боғлиқ. Мазкур узвийликни таъминлаш воситаларидан бири профессионал (касб бўйича) стандартларни ишлаб чиқиш ва таълим дастурларининг уларга мувофиқлигини таъминлаш ҳисобланади. Жамиятнинг сиёсий,

ижтимоий ва иқтисодий ҳаётидаги стратегик ўзгаришларга мос равишда стандартлар ҳамда таълим дастурлари доимий равишда қайта кўриб чиқилиши зарур.

Хулоса

Меҳнат бозорининг узоқ истиқболдаги ҳолатига таъсир этувчи стратегик тенденциялар ва шу аснода ишлаб чиқилган ривожлантириш сценарийлари, ёшлар сиёсати ва унинг таркибий қисми бўлган ёшларни тадбиркорлик фаолиятига йўналтириш бўйича умумжаҳон, Европа Иттифоқи ва алоҳида олинган мамлакатлар тажрибаси таҳлилига таянган ҳолда, мамлакатимиз ёшларида тадбиркорлик кўникмаларини шакллантириш, уларни тадбиркорлик фаолиятига кенг жалб этиш ва шахсий бизнес лойиҳаларини амалга оширишга кўмаклашиш тизимини такомиллаштириш бўйича қуйидаги таклифлар ишлаб чиқилди:

1. Ёшларни тадбиркорлик фаолиятига жалб этиш бўйича олиб борилаётган тадбирлар самарадорлигини ошириш мақсадида ёш тадбиркорларнинг бизнес лойиҳаларини молиялаштириш тизимини такомиллаштириш лозим.

Бунда эътиборга олиниши керак бўлган хусусиятлардан бири, ёш тадбиркорлар лойиҳаларини кредитлаш тизими фаолияти ҳисобланади. Хусусан, Марказий банк томонидан қатъий монетар сиёсатнинг олиб борилиши, инфляцион жараёнлар, миллий валютанинг девальвацияси ва бошқа омиллар таъсири остида тижорат банклари томонидан таклиф этилаётган тижорат кредитлари бўйича фоиз ставкаларининг тўхтовсиз ошиб бориши ички бозорга йўналтирилган фаолият олиб борувчи ёш тадбиркорлар учун тақрор ишлаб чиқаришни кенгайтиришда айланма маблағларнинг етишмаслиги, нархлар бўйича рақобатбардошлик даражасининг пасайиши, инновацион технологиялардан фойдаланиш имкониятларининг чекланиши каби муаммоларни юзага келтирмоқда. Бундан ташқари, «Yoshlar – kelajagimiz» давлат дастури доирасида ёшлар тадбиркорлигини ривожлантириш бўйича бегараз ёрдам сифатида ажратилган молиявий ресурсларнинг тижорат банклари кредит сиёсатлари талаблари доирасида қисқа ва узоқ муддатли кредит сифатида берилиши,

шунингдек, таъминот, кредит ҳужжатларини тайёрлаш ва бошқа йўналишларда маълум муаммолар юзга келмоқда.

Фикримизча, юқорида қайд этилган муаммоларни ҳал этиш учун ёшлар тадбиркорлигини ривожлантириш бўйича ажратиладиган маблағлар (тижорат банкларининг даромади ҳисобига шакллантириладиган имтиёзли кредитлаш фонди маблағларининг бир қисмини эътиборга олган ҳолда) икки ташкилот, яъни минтақаларнинг иқтисодий ривожланиши хусусиятларини ўзида акс эттирувчи лойиҳаларни молиялаштириш учун маҳаллий бошқарув органлари, каворкинг марказлари, «Yoshlar – kelajagimiz» жамғармасининг маҳаллий бўлимлари ва бошқа манфаатдор ташкилотлар томонидан ташкил этилиши мумкин бўлган «Ёшлар тадбиркорлигини ривожлантириш фонди» ҳамда ёшларнинг инновацион лойиҳаларини молиялаштириш бўйича «Умуммиллий венчур фонди» ўртасида тақсимланиши мақсадга мувофиқ. Биринчи фонд минтақаларда ёшлар тадбиркорлигини ривожлантиришнинг тактик мақсадларини молиялаштириш билан шуғулланса, иккинчи фонд инновацион ривожланиш (стратегик) мақсадларни амалга оширишга хизмат қилади. Ўз навбатида, молиялаштириш шартлари (фоиз ставкалари, таъминот, молиялаштириш муддати ва бошқалар) ҳар бир ҳудуднинг ўзига хос хусусиятлари, лойиҳаларнинг иқтисодий ва ижтимоий аҳамияти, самарадорлиги нуқтаи назаридан ўрнатилиши мумкин. Инновацион лойиҳаларни молиялаштиришда эса субсидиялаштириш механизмнинг қўлланилиши мақсадга мувофиқдир.

2. Ёшларда тадбиркорлик кўникмаларини шакллантириш бўйича кўрсатилаётган таълим хизматлари ва амалий фаолият ўртасидаги интеграцияни мустаҳкамлаш зарур.

Сўнгги йиллар давомида касбга йўналтириш (профессional кўникмаларни шакллантириш) борасида амалга оширилган тадбирлар аниқ ишчи мутахассисларни тайёрлаш тизимининг сифат жиҳатдан янги босқичга кўтарилишига олиб келди. Аммо тадбиркорлик кўникмаларини шакллантириш бўйича кўплаб муаммоларнинг мавжудлиги ёшлар ўртасида тадбиркорлик фаолиятини ри-

вожлантиришга муайян даражада тўсқинлик қилмоқда.

Мазкур муаммони бартараф этиш учун ёшларда тадбиркорлик кўникмалари, имкониятлари ҳамда қобилиятини намоён қилиш ва ривожлантириш учун якунда хўжалик ҳисобида ишловчи «Бизнес марказлар» ташкил этилиши мақсадга мувофиқдир. «Бизнес марказлар» тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланиш ниятида бўлган ёшларга (таълим даражасидан қатъий назар) малакали тренерлар ва мутахассисларни бириктириш ёки маълум дастурий таъминотлар ёрдамида бизнес фаолиятни ташкил этиш ва олиб боришга кўмаклашади. Бунда муҳим хусусиятлардан бири турли хил бизнес турлари билан шуғулланиш имкониятининг яратилиши ҳисобланади. «Бизнес марказлар» фаолиятининг дастлабки босқичида давлат ёки маҳаллий бюджет маблағлари кейинчалик тузилган шартномалар асосида ёш тадбиркорлар фаолияти якунида олинган даромаднинг бир қисми ҳисобидан молиялаштирилиши мумкин. Ёшларнинг тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланиш компетенцияси талаб доирасига етиб боргандан сўнг улар юридик шахс ёки юридик шахсни ташкил этмасдан мустақил фаолият юритишлари ҳам мумкин. «Бизнес марказлар» фаолияти йўналишлари маҳаллий иқтисодиётнинг жорий ҳолати ва ривожланиш истиқболларига мос равишда белгиланиши керак.

3. Ёшлар тадбиркорлигини янада ривожлантиришни таъминлаш учун ҳудудларда ижтимоий инфратузилмани такомиллаштириш зарур.

Бугунги кунда электр энергияси, газ таъминотидаги узилишлар, йўл-транспорт логистик тармоғининг талаб даражасида эмаслиги ва бошқалар нафақат ёшлар, умуман, тадбиркорлик фаолиятини ривожлантиришни чекловчи омиллар ҳисобланади.

Ижтимоий инфратузилмани ривожлантириш йўналишида муқобил энергия манбаларидан фойдаланиш имкониятини берувчи мосламалар ва қурилмаларни ишлаб чиқаришни кенгайтириш мақсадга мувофиқ. Хусусан, қуёш батареяларини ишлаб чиқариш бўйича катта тажрибага эга бўлган мамлакатлар, хусусан, Хитой ва россиялик ишбилар-

монлар билан биргаликдаги қўшма корхоналарни ташкил этиш мумкин. Фикримизча, истиқболли лойиҳа сифатида республикамизда қуёш энергетикасидан фойдаланиш бўйича

яратилган технологияларни ривожлантириш орқали бизнес субъектлари ва аҳолининг электр энергияга бўлган талабини қондиришга йўналтирилган лойиҳаларни қайд этиш лозим.

Манба ва адабиётлар

1. Nugent R. Youth in a global world. Population reference bureau, 2005.
2. Ashing I. Youth and youth policy – a Swedish perspective // Introduction to Youth Policy – Swedish and Turkish Perspectives, 2010.
3. Oktay F., Sentuna M., Cenk M., Gorbil V. Youth policy in Turkey // Introduction to Youth Policy – Swedish and Turkish Perspectives, 2010.
4. Thevenon O. The French policy model is conservative but «hesitant» // Journee scientifique de l'unité de Demographie economique. Institut national d'études demographiques, 2015. – 188 p.
5. Inglehart R. Modernization and postmodernization: Cultural, economic, and political change in 43 societies. Princeton: Princeton University Press, 1997.
6. Norris P. Rising tide. New York: Cambridge University Press, 2003.
7. Van de Velde C. Devenir du lte sociologi e comparee de la jeunesse en Europe. Paris: Presses universitaires de France, 2008.
8. Walther A. Regimes of youth transitions. Young, 2006. – № 14 (2). – P. 119-139.
9. Полищук Е.А. Регулирование рынка труда молодёжи: теория, методология, практика. Автореферат диссертации на соискание учёной степени доктора экономических наук. Орел – 2018. – С. 3-17.
10. Коробов С.А. «Развитие системы государственного регулирования и поддержки малого и среднего предпринимательства: ресурсно-ориентированный подход». Автореферат диссертации на соискание ученой степени доктора экономических наук. – Москва, 2017.
11. Грачев Е. Н. «Молодежная политика в Европейском союзе: национальный и наднациональный уровни» 23.00.04. Дисс. на соис. уч. ст канд. политических наук. – Москва, 2019.
12. Adolescents in Latin America and the Caribbean: Policy Guidelines (UNICEF/ROLAC, 2001)
13. The future of the Council of Europe youth policy: AGENDA 2020. Declaration. 8th Council of Europe Conference of Ministers responsible for Youth Kyiv, Ukraine 10-11 October, 2008. – P. 2-3.
14. An EU Strategy for Youth – Investing and Empowering A renewed open method of coordination to address youth challenges and opportunities. Brussels, 27.4.2009 COM(2009) 200 final. – P. 4.
15. Будущее рынка труда. Противоборство тенденций, которые будут формировать рабочую среду в 2030 году. <http://www.pwc.ru/workforce2030> (мурожаат этилган сана: 06.08.2019).
16. World Population Prospects 2019. Data Booklet. <http://www.un.org/en/development/desa/population/publications> (мурожаат этилган сана: 02.08.2019).
17. the International Labour Organization (ILO) celebrates its 100th. 2019. <http://www.ilo.org/publns> (мурожаат этилган сана: 19.08.2019).
18. Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош Ассамблеясининг 50/81 сонли резолюцияси http://vmo.rgub.ru/files/act_programm_2000-146-2.pdf (мурожаат этилган сана: 27.07.2019).

Тақризчи:

Каримов Н.Ғ., и.ф.д., профессор, Тошкент давлат иқтисодиёт университети.